

«[HTTPS://WWW.INSTAGRAM.COM/ARAY.UZ/](https://www.instagram.com/aray.uz/)» ИЖТИМОЙ ТАРМОҒИДАГИ ФАОЛЛИК УЧУН APS БОНУСЛАРИ НОМЛИ ЮТУҚЛИ ЎЙИННИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Ушбу Қоидалар «<https://www.instagram.com/aray.uz/>» ижтимоий тармоғида «Фаоллик учун APS бонуслари» Ютуқли ўйинини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб беради (ушбу Қоидалар матнида кейинги ўринларда «Ютуқли ўйин» деб юритилади). Ютуқли ўйин лотерея ҳисобланмайди, таваккалчилик элементларини ўз ичига олмайди, фойда ёки бошқа даромад олиш мақсадини кўзламайди ва мазкур Қоидаларга мувофиқ ўтказилади.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 9 январдаги 21-сонли Лицензияси асосида тўлов ташкилоти мақомига эга, тўлов ташкилотлари реестрида рўйхатдан ўтган, «А-Ray» электрон пул тизимининг оператори «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» МЧЖ Ютуқли ўйин ташкилотчиси (кейинги ўринларда Ташкилотчи) ҳисобланади. Ташкилотчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Қоидаларга амал қилади. Ютуқли ўйинни максимал даражада самарали ўтказиш мақсадида Ташкилотчи бошқа шахсларни Ютуқли ўйинни ташкил этиш ишларига жалб қилиши мумкин.
- 1.3. Ютуқли ўйин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2023 йил 12 октябр (Тошкент вақти билан) соат 11.00 дан 2023 йил 7 декабрь (Тошкент вақти билан) соат 16.00 гача бўлган даврда ўтказилади. Ютуқли ўйин қоидалари билан Ташкилотчининг <https://a-ray.uz> сайтида тўлиқ танишиш мумкин.
- 1.4. Ютуқли ўйин Иштирокчиларининг Ютуқли ўйинда иштирок этишлари ушбу Қоидаларни тўлиқ қабул қилганликлари ва уларга розилик билдирганликларини англатади. Ютуқли ўйинда фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.
- 1.5. Ютуқли ўйин Ташкилотчининг Instagram ижтимоий тармоғидаги қуйидаги расмий саҳифасида ўтказилади: <https://www.instagram.com/aray.uz/> (кейинги ўринларда «Ҳамжамият» деб юритилади).
- 1.6. Ютуқли ўйинда иштирок этиш бепул, Иштирокчига кафолатланган Совринларни олиш ҳуқуқини бермайди.
- 1.7. Соврин жамғармаси Ютуқли ўйин Ташкилотчиси маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.
- 1.8. Ютуқли ўйин «А-Ray» электрон пул тизими машҳурлигини ошириш мақсадида ўтказилади.

2. ЮТУҚЛИ ЎЙИН ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлган, унинг ҳудудида яшовчи ҳар қандай 18 ёшга тўлган муомалага лаёқатли жисмоний шахс Ютуқли ўйинда иштирок этишга ҳақли.
- 2.2. Ташкилотчининг ходимлари ва вакиллари Ютуқли ўйинда иштирок этишлари мумкин эмас.



- 2.3. Қоидаларда кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган шахслар Ютуқли ўйинда қатнашиш ва Ютуқли ўйин Совринларини олиш ҳуқуқига эга эмаслар.
- 2.4. Ютуқли ўйинда иштирок этиш учун тақдим этилган маълумотлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун Ютуқли ўйин Иштирокчиси жавобгардир. Ютуқли ўйин Иштирокчиси Ютуқли ўйинда иштирок этиш билан боғлиқ ўз ҳуқуқларини учинчи шахсга ўтказиш ва/ёки бирон-бир тарзда топширишга ҳақли эмас.
- 2.5. Ютуқли ўйин иштирокчилари Instagram ижтимоий тармоғида рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш қоидалари билан таниш эканликларини тасдиқлайдилар.
- 2.6. Қоидаларга ўзгартиришлар киритилган ёки Ютуқли ўйин муддатидан олдин тугатилган тақдирда, тегишли маълумотлар Ташкилотчининг расмий веб-сайти ва Ҳамжамиятда жойлаштирилади. Ютуқли ўйин Ташкилотчиси Ютуқли ўйин қоидаларини ушбу Қоидаларда кўрсатилмаган қўшимча воситалар (флаерлар, нашрлар ва бошқалар) орқали ҳам Иштирокчиларга етказиши ва Ютуқли ўйинда иштирок этишга таклиф қилишга ҳақли. Ютуқли ўйин ҳақида қисқача маълумотни Ҳамжамиятнинг янгиликлар тасмасида ҳам топиш мумкин.
- 2.7. Ютуқли ўйинда иштирок этиш факти шунингдек, Ютуқли ўйин Иштирокчиси Ютуқли ўйинда қатнашган ёки ғалаба қозонган тақдирда Ютуқли ўйинда иштирок этиш муносабати билан тайёрланган материаллар, шу жумладан, шахсий маълумотлар (тўлиқ исми-шарифи), фотосуратлар, видеоёзувлар ва интервьюлар Ютуқли ўйин Ташкилотчиси томонидан оммавий ахборот воситаларида (босма нашрлар, интернет сайтлари, ижтимоий тармоқларда) реклама мақсадларида эълон қилинишига сўзсиз розилигини билдиради ва бунинг учун қўшимча ҳақ талаб қилмайди.

3. ЮТУҚЛИ ЎЙИНДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Ютуқли ўйинда иштирок этиш учун Иштирокчи Instagram.com ижтимоий тармоғида шахсий аккаунтига эга бўлиши керак.
- 3.2. Ютуқли ўйин иштирокчиси бўлиш учун:
 - 3.2.1. Ташкилотчининг [instagram.com](https://www.instagram.com/apau.uz/) сайтидаги <https://www.instagram.com/apau.uz/> саҳифасига обуна бўлинг;
 - 3.2.2. Ташкилотчининг Ютуқли ўйинга доир постига лайк босинг;
 - 3.2.3. Ташкилотчининг Ютуқли ўйин пости остидаги шарҳларда учта дўстингизни белгиланг (тасодифий фойдаланувчилар, мульти-аккаунтлар, бренд, дўкон саҳифалари ва шунга ўхшаш саҳифалардан ташқари).
- 3.3. Ютуқли ўйин Иштирокчиси Ютуқли ўйин муддати давомида Instagram.com ижтимоий тармоғи обуначиси бўлиб қолиши шарт.
- 3.4. Ютуқли ўйин Иштирокчиси Ташкилотчи томонидан Иштирокчининг Ютуқли ўйин шартларига мувофиқлигини текшириш учун Ютуқли ўйин давомида Instagram.com ижтимоий тармоғидаги ўз саҳифасига кириш ҳуқуқини очиб қўйиши керак.



4. ЮТУҚЛИ ЎЙИНДА ҚАТНАШИШГА РУХСАТ БЕРМАСЛИК ШАРТЛАРИ

- 4.1. Шахсининг Ютуқли ўйин талабларига жавоб бермаслиги ва/ёки шахс томонидан Қоидаларда белгиланган талабларни бажармаслиги.
- 4.2. Ютуқли ўйин шартларига кўра дўстларни белгиламасдан шарҳ қолдириш Иштирокчи мақомига эга бўлиш ҳуқуқини бермайди.
- 4.3. Иштирокчи томонидан ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда Ютуқли ўйинда иштирок этиш учун Instagram.com ижтимоий тармоғида рўйхатдан ўтишда долзарб бўлмаган (тасдиқланмаган) ва (ёки) ноаниқ (нотўғри) маълумотларнинг тақдим этилиши, кейинчалик долзарб бўлмаган (тасдиқланмаган) ва (ёки) ноаниқ (нотўғри) маълумотларнинг тақдим этилиши ёки умуман тақдим этилмаслик билан тенглаштирилади. Иштирокчининг Ташкилотчи томонидан талаб қилинган қўшимча маълумотларни тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги баёноти, бу шахсининг Ташкилотчи томонидан Ютуқли ўйин иштирокчиларига қўйилган талабларга мувофиқлигини текширишга имкон бермайди.
- 4.4. Ютуқли ўйин иштирокчисининг ёпиқ саҳифаси.
- 4.5. Битта аъзо томонидан битта ижтимоий тармоқда бир нечта akkaунтлардан фойдаланиш.
- 4.6. Алдаш йўли билан Ютуқли ўйин Иштирокчилари сафига қўшилиш (қасддан ёлғон маълумот бериш).
- 4.7. Ёлғон, фирибгарлик ҳаракатларини амалга ошириш, шу жумладан Ютуқли ўйинда иштирок этиш учун ҳар қандай автоматлаштирилган ёки махсус ташкил этилган тизимлардан фойдаланиш (жумладан, лайк алмашиш ва Ютуқли ўйинни автоматик равишда репост қилиш учун иловалар ва бошқалар).
- 4.8. Ташкилотчи сабабларини тушунтирмасдан, ўз адолат туйғусига таянган ҳолда, Иштирокчининг Ютуқли ўйинда иштирок этишига рухсат бериш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

5. ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ

- 5.1. Ютуқли ўйин ғолиблари аниқлаш махсус хизмат – рандомайзер ёрдамида амалга оширилади.
- 5.2. Ютуқли ўйин Иштирокчилари ўртасида совринлар ўйналиши ҳар пайшанба кuni (19.10.2023г., 26.10.2023г., 02.11.2023г., 09.11.2023г., 16.11.2023г., 23.11.23г., 30.11.23г., 07.12.2023г.) жонли эфирда соат 11:00 га қадар бўлиб ўтади.
- 5.3. Ҳар ҳафтада Ютуқли ўйин Иштирокчилари орасидан 10 (ўн) нафар Ютуқли ўйин ғолиблари аниқланади.
- 5.4. Ютуқли ўйиннинг ҳар бир ғолиби А-Рай Электрон пул тизимининг 100.000 APS бонуси миқдорига Совринга эга бўлади. APS бонуслари нақд пул, қимматли қоғозлар эмас ва уларни нақд пулга алмаштириш, мерос қилиб қолдириш, пул ёки бошқа совринларга алмаштириш мумкин эмас.
- 5.5. Ғолиблар аниқлангач, натижалар бир кун ичида алоҳида постда эълон қилинади. Ютуқли ўйин Иштирокчилари Ташкилотчи томонидан эълон қилинган/юборилган хабарларни мустақил равишда кузатиб борадилар, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, Иштирокчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги Ҳамжамиятлари ва шахсий akkaунтларида Ютуқли ўйиннинг бориши, унинг натижалари тўғрисида билдиришномалар мавжудлигини, ўзгаришлар, Совринларни олиш ва улардан фойдаланиш шартлари текшириб боради. Ташкилотчи томонидан юборилган/жойлаштирилган/эълон қилинган хабарлар билан ўз вақтида танишиб бориш масъулияти Иштирокчи зиммасига юкланади.



- 5.6. Совриндан фойдаланиш учун Ғолиб Ютуқли ўйинда ғалаба ҳақидаги хабар Ташкилотчи томонидан эълон қилинган/юборилган кундан бошлаб 20 (йигирма) календарь кун ичида А-Рау электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиши ва ўзини идентификация қилиши керак. А-Рау электрон пул тизимида рўйхатдан ўтиш ва идентификация қилиш Ташкилотчининг Совриндан фойдаланиш имконияти кафолати ҳисобланади. Ғолибга Совриндан фойдаланиш шартлари тўғрисида барча керакли маълумотларни юбориш Соврин Ғолибга топширилганлигини англатади.
- 5.7. Ютуқли ўйин Ташкилотчиси Иштирокчи томонидан тақдим этилган нотўғри маълумотлар учун жавобгар эмас. Ютуқли ўйин Ташкилотчиси Ғолиб билан ижтимоий тармоқ орқали боғлана олмаган ва Ғолиб 20 (йигирма) календарь кун ичида мустақил равишда Ташкилотчи билан боғланмаган тақдирда, Соврин талаб қилинмаган деб топилади ва Ташкилотчи уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади. Ютуқли ўйин Ғолиби Ғолиб деб эълон қилинган кундан эътиборан 20 (йигирма) календарь кун ичида «А-Рау» электрон пул тизимида рўйхатдан ўтмаса, Ғолибнинг соврини бекор қилинади.
- 5.8. Агар Ғолиб совриндан бош тортса, ижтимоий тармоқлар орқали Ташкилотчига ўз тўлиқ исми ва совринни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хабар ёзиши керак. Бундай ҳолда, Ғолибнинг соврини бекор қилинади.
- 5.9. Совринни алмаштириш, ўзгартириш ёки унинг пул эквивалентини олиш мумкин эмас.

6. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТГА ИШЛОВ БЕРИШ

- 6.1. Ютуқли ўйинда иштирок этиб туриб, Иштирокчи Ташкилотчига автоматлаштирилган, шунингдек, автоматизация воситаларидан фойдаланмаган ҳолда олинган шахсий маълумотларига ишлов берилишига, жумладан, тўплаш, тизимлаштириш, йиғиш, сақлаш, аниқлик киритиш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, эгасизлантириш, блоклаш, йўқ қилиш; шунингдек, Ютуқли ўйинда иштирок этиши муносабати билан тайёрланган сурати, видеотасвири ва интервьюсига қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда шахсий маълумотларини (фамилияси, исми, шарифи, сурати, яшаётган шахри) Ташкилотчининг сайтида ва ижтимоий тармоқларида ишлатиш ва нашр этишга ўзининг сўзсиз розилигини билдиради. Шахсий маълумотларга ишлов бериш ва топширишдан мақсад: Ютуқли ўйинда иштирок этишдан иборат. Қайд этилган келишув Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, Иштирокчининг қўшимча розилигини олмаган ва унга бунинг учун қандайдир ҳақ тўламаган ҳолда белгиланадиган кўрсатилган маълумотдан иборат тегишли ахборот ёки ҳужжатларни сақлаш муддати тугагунига қадар амал қилади. Келишув Иштирокчи томонидан ташкилотчининг манзилига ёзма даъво жўнатиш йўли билан чақириб олиниши мумкин.
- 6.2. Шахсий маълумотларга ишлов беришга розилик Ютуқли ўйин Иштирокчиси томонидан муддатсиз берилади. Иштирокчиларнинг шахсий маълумотларидан Ташкилотчи ёки Ташкилотчи Ютуқли ўйин ўтказилиши муносабати билан фақат Ютуқли ўйинга алоқадор мақсадлар учун жалб қилган учинчи шахслар фойдаланади.
- 6.3. Ижтимоий тармоқлар алоқанинг ва кишиларни излашнинг универсал воситаси ҳисобланганлиги сабабли ижтимоий тармоқ профили эгаси нашр этадиган айрим маълумотларни яшириш учун очиқ ҳисобланиб, бу билан Иштирокчи ижтимоий тармоқда унинг ишлаш қоидаларига кўра, рўйхатдан ўтишга рози бўлади. Instagram.com ижтимоий тармоғида профилга (аккаунт) эга бўлган Иштирокчи

унинг томонидан нашр этилаётган маълумотларга нисбатан ўз профилининг махфийлик созиламаларини бошқариш имконига эга бўлади (очиқ маълумотлардан ташқари).

6.4. Иштирокчи маълумотлар базасига исмини қўшишга рухсат этиш билан, Ташкилотчиларга ўзининг шахсий маълумотларини бериб, унинг томонидан тақдим этилган маълумотлар: э-маил, исми, алоқага киришиш учун телефон рақамига ишлов берилишига ўзининг розилигини билдиради.

7. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 7.1. Ташкилотчининг Иштирокчилар олдидаги жавобгарлиги Иштирокчи олиш ҳуқуқига эга бўлган мукофот билан чегараланади.
- 7.2. Ташкилотчи Ютуқли ўйин шартларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Ташкилотчи барча ўзгартиришлар ҳақида сайт ва/ёки ижтимоий тармоқларда хабарни эълон қилиш орқали алоҳида маълум қилади.
- 7.3. Ташкилотчи томонидан Ютуқли ўйин матнида ёзилган қоидалар Ютуқли ўйинда иштирок этишнинг ягона расмий Қоидаси ҳисобланади. Ушбу қоидалар ва/ёки мазкур қоидалар билан тартибга солинмаган масалаларни ҳар хил талқин этилишига йўл қўйиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда талқин ва/ёки изоҳлаш тўғрисидаги якуний қарорни бевосита Ютуқли ўйин Ташкилотчисининг ўзи қабул қилади.
- 7.4. Иштирокчининг тажовузкор хатти-ҳаракати (беадаб, қўпол ёки ҳақоратомуз сўзлар) кузатилса, Ташкилотчи фойдаланувчига ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришини номаълум муддатга уни олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда тақиқлаб қўйишга (қора рўйхатга киритиб қўйиш, блоклаш) ҳақлидир.
- 7.5. Ташкилотчи ўзининг шахсий хоҳишига кўра Иштирокчиларга сабабларини тушунтирмаган ва улар билан ёзишмаларга киришмаган ҳолда Ютуқли ўйин Иштирокчиларининг ҳар қандай ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиши, шунингдек, Ташкилотчида мазкур шахс маълумотларни сохталаштираётгани ёки автоматлаштирилган ҳаракатлар билан шуғулланиши ҳақида асосли шубҳа туғилган тақдирда, шу билан бирга, Иштирокчи ушбу қоидалар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қоидаларини бузиб ҳаракат қилганида унинг келгусида Ютуқли ўйинда қатнашишини тақиқлаш ҳуқуқига эга.
- 7.6. Қоидаларда баён этилмаган вазиятларда Ташкилотчи ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилишга ҳақлидир.

